

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**5А 340901- «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»
МУТАХАССИСЛИГИ МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА.**

САМАРҚАНД - 2007

Ушбу услубий қўлланма Республикамизда таълим тизимини кадрлар тайёрлаш миллий Дастури асосида ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган Магистратура ҳақидаги Низом, Тошкент Давлат аграр университети томонидан тайёрланган магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича услубий қўлланма (2002 й) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган ва 5А 340901 – Бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган.

Услубий қўлланмада Бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги магистрлари ўқув жараёнида олиб борган илмий – тадқиқот ишларининг якуний босқичи бўлган магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича маслаҳатлар берилган. Қўлланмада магистрлик диссертациясининг моҳияти, уни мутахассисликни шаклланишидаги аҳамияти, диссертацияни таркибий тузилиши, уни расмийлаштиришга бўлган асосий талаблар ҳамда уни ҳимояга тақдим этиш ва ёклаш тартиби ёритилган.

Муаллиф: и.ф.н., доцент Д.Холбоев.

Тақризчилар:

К.Б.Уразов - СамИСИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси профессор в.б., и.ф.д.

Т.Қ.Қудратов.- СамҚХИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти.

Услубий қўлланма Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти Илмий кенгашида кўриб чиқилиб маъқулланган (2007 йил «30» ноябр баённома № 4).

Сўз боши.

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиёти шароитидаги тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги кўп жihatдан юқори малакали мутахассисларга боғлиқ. Бунда тайёрланаётган магистратура талабаларини ўқитиш услубини тубдан яхшилаш, Республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда етук мутахассислар етказиб беришда замонавий педагогик ва ахборат технологиядан самарали фойдаланган холда ўқув жараёнини олиб бориш катта ахамият касб этади.

Бу ўз навбатида олий таълим тизимини ислоҳ қилишда магистрларни тайёрлашнинг янги усулларини ва улар билимини назорат қилишни ўзида мужассамлаштирган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ қилишни талаб этади.

Ушбу услубий қўлланма институтда 5А 340901 – Бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича тайёрланаётган магистрларга магистрлик диссертациясини унга қўйилган талаблар даражасида тайёрлашга ва уни Давлат Аттестация ҳайъати олдида муваффақиятли ёқлашлари учун ёрдам беради.

1. Магистрлик диссертациясини тайёрлашнинг умумий қоидалари

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборатлар оқими кун сайин ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб бўлажак магистратура талабалари ахборатларни йиғиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланишлари ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишлари лозим.

Магистратура тўғрисидаги Низомга кўра – магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал амалий билим берадиган, бакалавриятдан кейин унинг негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Магистратурани битирувчи ёшлар замонавий ахборатлар технологияларига ва фундаментал билим базасига эга бўлган, кенг фикрловчи, илмий – тадқиқот, илмий – педагогик ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришга тайёр бўлган мутахассислар бўлиб етишишлари керак.

Магистрларни тайёрлаш юқори малакали мутахассисларга ва замонавий илмий – тадқиқот салоҳиятга эга бўлган, белгиланган тартибда давлат аттестация ва аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

Магистратура мутахассисликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқи олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 17 июлда 262-сон билан тасдиқланган «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича мутахассислар тайёрлашга рухсат бериш тартиби» тўғрисидаги кўрсатма хати асосида рухсат берилган.

Магистрлар тайёрлаш дастурининг ниҳоясида малакавий давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг химоя қилиниши билан «Магистр» академик даражаси берилади. Магистрларга касбий фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи давлат намунасидаги диплом берилади. Дипломда йўналиш ва мутахассислик кўрсатилади. Масалан 5А 340901 «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича магистр.

Магистрлик диссертацияси илмий – тадқиқот (илмий – техник, илмий – услубий ёки ижодий-амалий) мазмунли, ички яхлитликка эга, танланган мавзу бўйича иш жараёни ва натижаларини асқ эттирувчи битирув малакавий ишдир. Унинг мавзуси долзарб ва одатда магистратура ихтисослиги бўйича илмий ёки илмий техник масаларни ечишга қаратилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг илмий савияси ўқитиш дастурига жавоб бериши лозим. Ишнинг бажарилиши унинг муаллифи илмий изланишлар олиб бориш, касбий муаммоларни кўра олиш ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўллари ўрганганлигини тасдиқлаши керак.

Умуман олганда, магистрик диссертацияси илмий етуклик ва ихтисослик ёки ихтисосланиш бўйича тубдан касбий тайёргарликни тавсиф қилиши лозим.

Диссертациядаги илмий масаланни ечиш бўйича магистр:

- Танланган илмий мавзунинг долзарблигини асослаш;
- Тадқиқотнинг мақсади ва муайян масалаларни кўйиши;
- Тадқиқот объекти ва мавзунини аниқлаши ва таърифлаши;
- Тадқиқот усули (ёки услублари)ни танлаши;
- Тақиқот натижаларга ишлов бериши ва таҳлил қилиш;
- Олинган хулосаларни шакллантириши, натижаларни баҳолаши ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари учун аниқ таклифларни кирита олиши лозим.

2. Магистрлик диссертациясининг мавзуси ва унга илмий раҳбарлик.

Магистрлик диссертациясининг мавзулари олий таълим муассаслари махсус кафедралари томонидан мазкур йўналишнинг ривожланиши, фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданиятдаги замонавий ютуқларни ҳамда кадрлар буюртмачиси талаблари инобатга олинган ҳолда аниқланади ва олий таълим муассаси илмий кенгашида тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси махсус кафедра томонидан кафедранинг илмий йўналиши ёки буюртмачининг талаби асосида белгиланади.

Ушбу мавзулар рўйхати ҳар йил янгиланиб турилади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасида 5А 340901 – «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича 2007-2008 ўқув йилига тасдиқланган магистрлик диссертацияларининг мавзулари 1- иловада берилган.

Ўқишнинг биринчи оyi мобайнида талабага магистрлик диссертациясининг мавзуси тайинланади, шахсий режа тузилади ва улар олий таълим муассаси илмий кенгашида тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясининг бажарилиши шу таълим муассасида ишлайдиган, одатда шу ихтисослик бўйича фан доктори илмий даражасига ва ихтисосий кафедра бўйича профессор унвонига эга педагог ва тажрибали доцентлар раҳбарлигида амалга оширилади. Магистрлик диссертациясига маслаҳатчи сифатида турдош институт, академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ишлаб чиқаришдан юқори малакали мутахассислар таклиф қилиниши мумкин.

Битта илмий раҳбар бир ўқув йилида учтагача магистрантнинг илмий фаолиятига раҳбарлик қилиши мумкин.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси илмий раҳбарнинг тавсияси, шу ихтисослик бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг ташки тақризи ва касбий таълим бўйича шахсий режанинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотнома билан Давлат Аттестация ҳайъатига тақдим этилади.

Магистрлик диссертациясининг химоясини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини олий таълим муассаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

3. Магистрлик диссертациясининг таркиби ва мазмуни.

Магистрлик диссертацияси ўқув жараёнида ҳамда илмий ва амалий фаолиёт давомида олинган билим ва тўпланган ахборатлардан фойдаланган ҳолда диссертант ўз ишининг илмий муҳимлиги ва назарий ва илмий ахамиятини асослайди.

Матн шаклда мужассамлашган диссертациянинг ҳажми ва мазмуний тавсифи магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналишидан келиб чиқади. Унинг сифати кўп жihatдан магистрантнинг назарий ва амалий жihatдан тайёргарлигига ҳамда илмий муоммаларни ечишга ёндоша олиши билан ҳам боғлиқ.

5А 340901 – «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича магистрлик диссертацияси таркибий жihatдан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Титул варағи
- Мундарижа
- Сўз боши
- Адабиётлар шарҳи ва шу асосдаги хулосалар
- Тадқиқотни бажариш шароити ва услублари

- а) Тадқиқотни бажариш шароити ва объектлари
- б) Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва услублари
- Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси
- а) қўйилган муаммонинг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари
- б) ўрганилаётган муаммонинг дастлабки ҳисоби
- в) ўрганилаётган муаммонинг синтетик ва аналитик ҳисоби
- г) Маҳсулот таннарҳини ҳисоблаш ва уни такомиллаштириш (харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини ҳисоблашга тегишли мавзулар учун)
- д) ўрганилаётган муаммонинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқаришга бериладиган таклиф ва тавсияларни асослаш.
- е) қўйилган муаммоларни ечишдан кутилаётган иқтисодий самарани аниқлаш ва асослаш.
- Хулоса ва таклифлар
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
- Иловалар

Титул варағи диссертациянинг дастлабки бети бўлиб, у тасдиқланган тартиб асосида тўлдирилади.

Мундарижа диссертациянинг бўлим, қисм ва параграфларининг бетлари бўйича кўрсатилган рўйхат ҳисобланади. Бунда бўлимлар, қисм ва параграфларнинг номлари қисқартирилмасдан, ўзгартирилмасдан, матнда қандай бўлса шу холида кўрсатилади.

Диссертациянинг **сўз боши** қисмида қуйидагилар акс этиши лозим:

- Республикамиз Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликлар қарорларидан келиб чиқиб мавзунинг долзарблиги;
- Муаммонинг мақсади ва вазифалари, уни хал қилиш усуллари ва йўллари.
- Тадқиқот объекти
- Илмий янгилиги
- Амалий аҳамияти

Диссертациянинг **адабиётлар шарҳи** бўлимида тадқиқот ишига таълуқли кейинги йилларда чоп этилган адабиётлардаги фикрлар умумлаштирилади, уларга танқидий ва ижобий фикрлар билдирилади.

Мавзуга тегишли адабиётларни таҳлил қилиш магистрантга ўрганилаётган муаммо натижаларини холисона баҳолаш ва тадқиқотни мақсадли олиб бориш имконини беради. Адабиётлар талқинида магистрант адабиётлардан келтирилган маълум фикрларни аниқ баён қилиши ва у бўйича ўз муносабатини билдириши лозим. Ўрганилган адабиётлардаги илмий хулосаларни ўрганиш мавзу бўйича шу даврга қадар қандай ишлар бажарилгани ҳақида маълумот беради ва ҳозирги даврдаги вазифалардан келиб чиқиб қўйилган муаммони такомиллаштириш бўйича билдирладиган фикрларга асос бўлади.

Магистрни адабиётлар билан ишлашидан асосий мақсад уни ушбу мавзунини ўрганилганлик даражасидан хабардор бўлиш ҳисобланади.

Ушбу бўлимда фойдаланилган адабиётнинг муаллифи, номи, нашриёт, чоп этилган йили ва фойдаланилган бетлар тўлиқ ҳолда кўрсатилади.

Диссертацияни тадқиқотни бажариш шароити ва услублари бўлими ишни тўлақонли ва илмий асосда бажарилишида маълум аҳамиятга эга.

Ушбу бўлимда магистрлик диссертациясининг тадқиқот объектига, яъни қайси вилоят, туман хўжаликлари мисолида мавзунини ўрганилиши, шу объектларни асосий иқтисодий кўрсаткичлари, уларда урганилаётган муаммонинг ҳолати таҳлил қилинади. Ушбу объектларда ўрганилаётган муаммонинг ҳолатидан келиб чиқиб тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади.

Магистрлик диссертациясини бажаришда тадқиқотлар ўтказишнинг такқослаш, монографик, расчёт конструктив ва таҳлил ҳамда ҳисоб ва ҳисоботнинг бошқа усулларида фойдаланилади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси бўлими диссертациянинг асосини ташкил этади. Шунинг учун бу бўлимда танланган мавзунинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб утказилган тадқиқот ишларининг натижалари тўлиқ ҳолда, мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб маълум бир стандарт билан чекланмаган ҳолда ёритилади.

Шу асосида «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш» мавзусидаги ушбу бўлимнинг айрим бандларини ёритишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

А. банди бўйича:

Ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи, бевосита ва билвосита, узгарувчан ва доимий харажатлар, «Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» ва бухгалтерия ҳисобининг «Товар - моддий захиралар» миллий андозаси талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш бўйича вазифалар.

Б. банди бўйича:

Муаммони ўрганиш объектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқими дастлабки ҳисобининг ташкил этилиши. Уларда ҳужжатларни расмийлаштиришдаги ва ҳисоб регистрларини юритишдаги камчиликлар ва уларни бартараф этилиши бўйича таклифлар. У бўйича илғор тажриба.

В. банди бўйича:

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимининг ҳисобварақларда акс этирилишининг назарий асослари. Муаммони ўрганиш объектларида харажатлар ва маҳсулот чиқимини ҳисобварақларда акс этирилишининг ҳолати ва уни «Хўжалик юритувчи субъектлар молия – хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва ундан фойдаланиш бўйича йуриқнома» талабларига мослиги ва фарқлари.

Муаммони ўрганиш объектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимининг ҳисоби бўйича аналитик ҳисобни ташкил этилиши, уларга хўжалик муомилаларини акс эттириш ва уларни йил якуни бўйича ёпиш тартиби. Аналитик ва синтетик ҳисобварақлар ўртасидаги боғлиқлик ва назоратни таъминланиши.

Г. банди бўйича:

Маҳсулот таннархини хўжалик фаолияти самарадорлик кўрсаткичларидан бири эканлиги. Маҳсулот таннархини ҳисоблашни айрим сахалар бўйича хусусиятлари. Урганилаётган объектларда маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг ҳолати, ундаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар. Маҳсулотлар таннархи бўйича калькуляция фарқларини аниқлаш ва уларни маҳсулотларни фойдаланиш йўналишлари бўйича тақсимлашни ҳолати ва уни такомиллаштириш.

Маҳсулот таннархи ва унинг таркиби. маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар. Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича тадбирлар.

Д. банди бўйича:

Адабиётлар шархи бўлимидаги ушбу муаммога бўлган танқидий қарашлар ҳамда диссертациянинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб ва тадқиқот натижалари бўлимнинг А.Б.В.Г бандларида баён этилган фикрлар асосида қўйилган муаммо ечими бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни асослаш. Таклиф ва тавсиялар муаммони ўрганиш объекти ёки соҳа фаолияти бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиши лозим.

Е. Банди бўйича:

Қўйилган муаммонинг ечишдан кутилаётган иқтисодий самарани аниқлаш, аниқ ҳисоб – китоблар асосида тегишли иқтисодий самадорлиги аниқ суммада ифодаланган тавсиялар ишланма шаклида расмийлаштирилиб уни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги (қабул қилинганлиги) тегишли ташкилотнинг хужжати билан асосланади.

Иқтисодий самарадорлиги аниқ суммада аниқлашни имконияти бўлмаган таклиф ва тавсиялар ҳисоб ва ҳисоботни тегишли тартибда такомиллаштиришни таъминлаши аниқ ва ишончли ҳолда асосланиши лозим.

Магистрлик диссертациясининг асосий яқунлари унинг **хулоса ва таклифлар** қисмида баён этилади. Хулоса ва таклифлар маълум асосга эга бўлиши ва чуқур таҳлил қилинган ва текширилган натижалардан келиб чиқиши лозим. Хулоса ва таклифларни асосини диссертация ишининг «Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси» бўлимида қайд этилиб ишлаб чиқаришга жорий этишга мўлжалланган таклиф ва тавсиялар ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг **фойдаланилган адабиётлар рўйхати** қисмида муаллиф томонидан фойдаланилган ҳамма адабиётлар иккинчи иловада келтирилган тартибда берилади.

Рўйхатда амалдаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва асарлари, Низомлар, юқори ташкилотларнинг меъёрий – ҳуқуқий хужжатлари ҳамда дарслик, ўқув кўлланма, монография ва илмий мақолалар тегишли тартибда берилади.

Дарслик ва шу каби адабиётлар келтирилганда дастлаб муаллифнинг насаби, исми ва шарифининг бош харфлари, китобнинг

тўлиқ номи, у чоп этилган шахар, нашриёт, чоп этилган йили кўрсатилади.

Журнал мақолалари бўйича муаллифнинг, насаби, исми ва шарифининг бош харфлари, мақоланинг тўлиқ номи, журналнинг номи, қабул қилинган қисқартишлар билан том (жилд), йил, журнални тартиб рақами (қайси ойлиги) ва бетлари келтирилади.

Умуман иккинчи иловада келтирилган адабиётларнинг бир туридан бирнечта адабиётлардан фойдаланилган бўлса улар алфавит бўйича келтирилади.

4. Магистрлик диссертациясининг расмийлаштирилишига кўйиладиган асосий талаблар.

Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш талаблари номзодлик диссертациясини расмийлаштириш талабларига якинлаштирилган ҳолда бўлади.

Диссертацияни қўлёзма холидаги нусхаси илмий раҳбар томонидан текширувдан утгач, раҳбар уни барча талабларга жовоб берадиган ҳолда эканлигига ишонч ҳосил қилгач магистрантга уни компьютерда теришга рухсат беради.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми қатъий белгиланмайди. Одатда 1,5 интервалда компьютер ёзувида 65 –85 бет орасида бўлади. Диссертация матни А4 форматли қағозда қуйидаги бичимда ёзилади: чапдан 3мм, юқоридан 2 мм, ўнгдан 1,5 мм ва пастдан 2,5 очик қолдирилади.

Диссертацияда янги маънони бошловчи жумлалар хат бошидан ёзилади. Ҳар бир янги боб янги бетдан бошланади. Бобнинг ёки унга тегишли параграфнинг номи асосий матндан кўшимча интервал билан ажратилади. Бобнинг параграфлари янги бетдан бошланиши шарт эмас, агар у янги бетга тўғри келмаган бўлса.

Матнда фойдаланилган формулалар тушунарли, булиши, ундаги босма ёки ёзма ҳарфлар, ёзув устидаги ёки остидаги белгилар аниқ бўлиши лозим.

Формуладаги ҳарфлар ёки рақамлар 7,8 мм – дан, ёзмалари 1 мм, даража кўрсаткич ва белгилар 2 мм –дан кам бўлмаслиги керак.

Диссертацияда фойдаланилган жадвалларни дастлаб тартиб рақами, номи берилиб кейин жадвални ўзи жойлаштирилади.

Жадвалдаги рақамларга тушинчалар уни матнда кандай жойлашганига қараб ундан олдин ёки кейин берилади.

Ишга тегишли расм, чизма, график, ҳужжат ва бошқалар иш охирида илова шаклида келтирилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг матни ва унинг иловалари тузатишлар киритилмаган, доғ тегмаган, букланмаган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияси ўзбек, рус ёки бирон бир чет тилида тайёрланиши мумкин. Диссертация рус ёки бирон бир чет тилида тайёрланган бўлса, унга давлат тилида аннотация ёзилиши шарт.

Диссертациянинг матни бўйича бетлар ўнг томондан юқоридаги бурчакда кўрсатилади.

5. Химояга тайёрланиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш.

Тайёр магистрлик диссертацияси илмий раҳбарнинг тақризи билан кафедрага тақдим этилади. Кафедрада дастлабки химоядан утган магистрлик ишига ички ва ташқи тақризчи тайинланади.

Илмий раҳбарнинг тақризида қуйидагилар акс этирилиши лозим:

- Мавзунинг долзарблиги
- Диссертация мавзусини кафедранинг илмий йўналиши билан боғлиқлиги
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги
- Магистрантнинг илмий тадқиқот ишларига қобилияти
- Хулоса ва тақлифларнинг асосланганлиги
- Ишни магистрлик диссертациялари талабларига мос келиши.

Ички ва ташқи тақризлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- Мавзунинг долзарблиги
- Тадқиқот илмий янгилигининг асосланганлиги
- Илмий ва амалий аҳамияти
- Илмий иш мазмунига баҳо ва диссертациянинг тугалланганлиги
- Маълумотларнинг баён этилиш услуби ва тили
- Диссертациянинг магистрлик диссертациялари талабларига жавоб бериши.

Муддатида тайёрланган диссертация иши илмий раҳбарнинг, ички ва ташқи тақризчиларнинг тақризлари, кафедранинг магистрлик

диссертациясини химояга тавсия этиш бўйича баённомаси ҳамда магистрнинг мутахассислик бўйича ўқув режасини тўлиқ бажарганлиги ҳақида маълумотнома билан Давлат Аттестация хайъатига тақдим этилади.

6. Магистрлик диссертациясини Давлат Аттестация хайъати йиғилишида химоя қилиш.

Магистрлик диссертацияси химояси магистратура ҳақидаги низомга асосан Олий таълим муассаси тақдимидаги биноан таълимни бошқариш бўйича вақолатли орган тамонидан тасдиқланган Давлат Аттестация хайъати ҳузурида расмий равишда амалга оширилади.

Химояни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини олий таълим муассаси илмий кенгаши белгилайди.

Давлат Аттестация хайъати йиғилиши олий ўқув юрти ректори тасдиқлаган битирувчи курснинг ўқув режаси ва графигида кўрсатилган муддатда ўтказилади.

Давлат Аттестация хайъати кенгаши бир кунда 6 соатдан ортиқ давом этмаслиги керак. Магистрлик диссертацияси Давлат Аттестация хайъати аъзоларининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган очик кенгашида ўтказилади.

Диссертация химоясининг натижаси «ўтди» ёки «ўтмади» тизимида аниқланади. Хайъат аъзоларининг яширин овоз беришда қанашган кўп қисмини «ўтди» овозни олган магистрант химоя қилган ҳисобланади. Овозлар сони тенг бўлган ҳолатда Давлат Аттестация хайъати раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Бунда хайъат раиси ўз фикрини расман асослаб беради.

Хайъат ишида ва овоз беришда олий таълим муассасининг ректори буйруғи билан тасдиқланган аъзолар қатнашади. Диссертация химоясининг натижаси Давлат Аттестация хайъатининг баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг шу куниёқ химояда иштирок этган магистрантлар ҳузурида эълон қилинади.

7. Магистрлик диссертациясини расмий химоя қилиш жараёни.

Магистрлик диссертациясининг химояси илмий этика сақлаган ҳолда юқори талабчанлик билан илмий баҳс ҳолатида ўтиши лозим.

Бунда раислик қилувчи кенгаш йиғилишини очиб хайъат аъзолари, кенгаш ишида иштирок этувчилар ҳамда химояда иштирок этадиган магистрантларни олий таълим муассасаси ректорининг магистрлик диссертацияси ҳимоясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи билан таништиради ҳамда химояни ўтказиш тартибини тушунтиради. Шундан сўнг дастлабки химоя қилувчи магистрантнинг насаби, исми ва шарифини айтади ва у томонидан бажарилган диссертация мавзусини эълон қилади ва сўзни Давлат Аттестация хайъати котибига беради.

Котиб ташриф буюрганларга магистрантнинг шахсий иш йиғма жилдига керакли барча ҳужжатлар борлиги ҳақида ахборат бериб магистрантга берилган тавсифномани ўкиб беради. Шундан сўнг раис сўзни диссертантга беради. Магистрант магистрлик тадқиқотининг асосий натижалари ҳақида 15 дақиқагача вақт мобайнида ахборат беради.

Маъруза давомида магистрант тадқиқот ишлари натижалари бўйича тайёрланган жадвал, слайд, плакат ва бошқа намоиш этиладиган материаллардан фойдаланиши мумкин. Магистрант берилган саволларга жавоб бериб бўлгандан сўнг сўз илмий раҳбарга берилади.

Илмий раҳбар магистрантнинг ўқув режасини бажариши ва диссертация ишини бажаришга муносабати ҳақида гапириб, битирувчини касбий фаолиятга бўлган мойиллиги, тегишли ахборатга эғалиги, фикрлаш қобилияти, жавобгарликни хис қилиши, ҳаракатини асосий нарсага жамлай олиши, ғояларни ўртага ташлаш ва уларни ечимларини топа олиш қобилияти ҳақида (илмий раҳбар кенгаш ишида қатнашмаётган бўлса, котиб унинг ёзма хулосаларини ўкиб эшиттиради) ўз фикрини баён этади.

Муҳокама ва илмий баҳс жараёнида Давлат Аттестация хайъати аъзолари, факультет кафедраларининг профессор – ўқитувчилари иштирок этади. Давлат Аттестация хайъати аъзолари оғзаки равишда кўтарилган муаммога тааллуқли саволларни бериши, тадқиқот усуллари, олинган натижаларни аниқлаштириш бўйича сўрашлари мумкин. Мунозаралар сўнгида раислик қилувчи ёки котиб диссертацияга берилган ички ва ташқи тақризлар билан таништиради ва магистрант уларда кўрсатилган камчиликларга жавоб беради.

Шундан сўнг диссертантга сўнги сўз берилади. Шу билан магистрлик диссертацияси ҳимоясининг асосий қисми тугалланган ҳисобланади.

Давлат Аттестация хайъати аъзоларининг ёпиқ кенгашида яширин овоз бериш йўли билан диссертация ишига баҳо берилади ва улар шу куниёқ, хайъат раиси томонидан кенгаш сўнгида эълон қилинади.

Химоядан ўтган битирувчиларга магистр академик даражаси берилганлиги ҳақида қарор қабул қилинади. Расмий химоя вақтида маълум камчиликларга эга бўлган диссертация иши химоядан четлаштирилади ва химоя қилинмаган ҳисобланади.

Химоядан сўнг магистрлик диссертациясининг асл нусхаси қабул қилинган тартибда Олий таълим муассасаси ахборат ресурс марказида сақланади. Диссертация натижалари ишлаб чиқаришга тадбиқ этиладиган бўлса, кўрикда қатнашишга тавсия этилганда ва шунга ўхшаш ҳолатларда ундан нусха кўчиришга рухсат берилади.

5А 340901 – «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича магистрлик диссертацияларининг намунавий мавзулари.

1. Хўжалик субъектларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш.
2. Хўжалик субъектларида молиявий ҳисобни ташкил этиш.
3. Харажатларни стратегик бошқариш шароитида харажатлар ҳисоби ва таҳлили.
4. Харажатларни стратегик бошқариш шараитида маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уни таҳлили
5. Ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш.
6. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш ва режалаштириш.
7. Моддий айланма маблағлар ҳисоби ва аудити.
8. Асосий воситлар ҳисоби ва аудити.
9. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудити.
10. Бошқарув ҳисобида баҳолар мезонини таҳлил қилиш ва қарорлар қабул килиш.
11. Молиявий ҳисобот концепцияси ва асослари.
12. Номоддий активлар ҳисоби ва аудити.
13. Корхоналарда пул маблағлари ва улар эквивалентларининг ҳисоби ва аудити.
14. Қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби.
15. Лизинг операцияларининг ҳисоби ва аудити.
16. Хусусий капитал ҳисоби ва аудити
17. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг хусусиятлари ва уни таҳлили.
18. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг хусусиятлари ва таҳлили.
19. Ташқи иқтисодий фаолият муомилаларининг ҳисоби ва аудити.
20. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби ва уни таҳлили.
21. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш харажатлари ва зарарсизлик таҳлили.
22. Айланма маблағларни бошқариш
23. Асосий ва айланма маблағларни молиялаштириш
24. Молиявий режалаштириш ва уни такомиллаштириш.
25. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби ва аудити.

26. Корхоналарнинг бюджет билан муомилаларининг ҳисоби ва аудити.
27. Корхоналарнинг бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича муомилаларнинг ҳисоби ва аудити.
28. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳисоби ва аудити.
29. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш ва молиявий натижаларининг таҳлили.
30. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш.
31. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолиятининг таҳлили.
32. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва уни ҳисоби,
33. Хўжалик субъектларида банк кредитларидан фойдаланишнинг ҳисоби ва аудити.
34. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар беришни ташкил этилиши ва ҳисоби.
35. Бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.

Магистрлик диссертациясида фойдаланилган адабиётларни жойлаштириш тартиби.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари**
- 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**
- 5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари**

6. Дарсликлар

- 6.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
- 6.2. Россияда чоп этилган
- 6.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

7. Ўқув қўлланмалари

- 7.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
- 7.2. Россияда чоп этилган
- 7.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

8. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар

- 8.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
- 8.2. Россияда чоп этилган
- 8.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

9. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

- 9.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
- 9.2. Россияда чоп этилган
- 9.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

10. Илмий – амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

- 10.1. Газета ва журналлар
- 10.2. Статистик маълумотлар тўпламлари
- 10.3. Интернет сайтлари
- 10.4. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

Мундарижа.

| | Бет. |
|--|------|
| Сўз боши. | 3 |
| 1. Магистрлик диссертациясини тайёрлашнинг умумий қоидалари. | 4 |
| 2. Магистрлик диссертациясининг мавзуси ва унга илмий раҳбарлик. | 5 |
| 3. Магистрлик диссертациясининг таркиби ва мазмуни. | 6 |
| 4. Магистрлик диссертациясининг расмийлаштирилишига қўйиладиган асосий талаблар. | 11 |
| 5. Ҳимояга тайёрланиш ва хужжатларни расмийлаштириш. | 12 |
| 6. Магистрлик диссертациясини Давлат Аттестация ҳайъати йиғилишида ҳимоя қилиш. | 13 |
| 7. Магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш жараёни. | 13 |
| <i>1-илова.</i> | 16 |
| <i>2-илова.</i> | 18 |

